

Восточний отдел уполномочени ўрток Агидулинга таржимаси: ўрток Карутскийга ҳам  
Московдан келган меҳмон ўртокка

Махбус Мунаввар кори Абдурашидхоновдан

## АРИЗА

Бугун ман махбусларнинг гунохкори ва энг хаксизи сифатинда хар хуқукдан махрум ва хатто энг огир гунохлилар ҳам фойдаланадургон уборний ва ювинишга ҳам чикорилмасдан, одиночкада яшайман. Бунга сабаб, эхтимолким, показаниеларимга ишонилмагонлиги, нотўгри деб гумон килинмоглиги бўлса керак. Холбуки, ман хар нима сўроқлар бўлса ҳам тўгри ва очик жавоб бера бошлагонимдан, бошкаларга ўхшаб, ойлаб айбимдан тониб сизни ва ўзимни (масалан, Салимхон) кийнаб тургоним йўк. Бунинг учун сиздан олгон мукофотим бу кунги одиночний кийноги бўлди. Ушбу аризам ила баробар сизга Наманган ва Тошканд ташкилотлари тўгрисинда энг сўнгги маълумотимни топшураман. Эхтимолки, бу запискамга ҳам инонмассиз, нотўгри гумон киларсиз, арестантлик хуқуқимни бундан ҳам озайтирасиз, лекин, чорам йўк, асирман сизнинг кошингизда. Бир пашша кадар кувватга эга эмасман. Бир бармогингиз билан андак боссангиз, эзилиб халок бўлишимга кўзим етадир. Шу холимни била туриб, нима максатда сизга нотўгри маълумот бераман? Ўлудан кўркканим йўк. Чунки хозирги хаётдан ўлимни минг мартаба яхши, деб биламан. Хар минутда ўзимга ўлим тилайман. Факат хозир ўлум ҳам мандан хазар киладур. Нотўгри маълумот билан сиёсий идорани алдаб, ўзимни оклаб, кутулмокчи бўламанми? Йўк. Ёлгон билан сиёсий идорани алдолмаслигимни ва хар бир ёлгоннинг мани айб ва гунох боткогига ортиқрок ботира боришлигини жуда яхши англайман.

Бунда ўтургон наманганлик ўртоқлар: «Бизнинг сиримизни бошлаб очкан шу бўлди», деб манга карши тиш кайраб ўтурадурлар. Салимхон кўп сизга яхши кўринмок учун манга хат ёзиб, хизматчи бола оркали камеранинг тешигидан манга ташлагондир. Ва шу бола оркали икки кун кистаб, мандан жавоб ёздириб оладир. Ва ул жавобни тўгри сизга чикариб берадир. У мани хозирги положениега тушишимга, балки, сабаб бўладир. Маним сизга берган нотўгри маълумотимни кувватлайтургон «дўст»ларим шуларми? Буларнинг хар бирлари мумкин бўлса, ўзлари учун мани курбон килишга ва ўз айбларин ҳам маним устимга огдаришга тайёрдурлар. Шунинг учун маним олдимда биргина йўл колгон, ул ҳам бўлса, бу бутун колгон ва билгон ишларимни хеч бир кўркмасдан ва яширмасдан, очиб ўртога ташлаш ва бошимни сиёсий идоранинг остонасига кўйиб, ундан

ушбу Тошканд ва Наманган кишиларини маним эски исми ва шухратимга карамасдан туриб текширишни ўтуниш ва ўзимни бутунлай шул идоранинг химоясига таслим этиш. Манга бундан бошқа нажот йўли йўқ эконлигига иймон келтирганман. Агарда умумий сиёсат талаб этар экан, сиёсий идоранинг кўрсатуви бўйича гарча ўз зараримга бўлса, баъзи фидокорликлар кўрсатмакка ҳам хозирман. Сиёсий идоранинг максуди ҳам, албатта, манга ўхшаш бир неча ерлик зиёлиларни бор-йўқ айблар билан айблаб йўқотиш бўлмасдан, шул Тошканд ва Наманган ташкилотларининг хақикий юзларин очиш бўлса керак, деб ўйлайман. Мана шу юкоридаги иймон ва ишончлар ила ёзган ушбу сўнги заявкамдаги хар бир жумланинг тўғри ва самимийлигига жавобгарман. Факат бу заявкамга ул машхур миллатчи Мунаввар корининг «эски ашуласи», деб каралмасдан, оддий бир гунохкорнинг очикюрак билан килгон икрори, берган маълумоти, деб каралмогини ва шул асосда текширишга такрор илтимос киламан. Чунки бу икки сахнага ман сўнгдан-да, содда ва нодон ва алданувчи ролда чикканлигимни хозир сезиб ўтураман.

Бу «запискам» билан ман ўзимни ташкилотчиликдан окламокчи эмасман. Балки, сўнги Наманган ва Тошканд ташкилотларидаги ролим ва иштироким сизнинг кошнингизда икром ва амалан айтмакчиман, хақиқатда эса ўзим ҳам бир ташкилотда бўлгон эдим. Бутун идораларни ерли тилда юргизиш ва булардан ишловчи овруполиларни ҳам ерли тилда сўзлашга ва ёзишга мажбур этиш ва бунга тўскинлик кўрсататургон буюк рус миллатчилари ила курашмак учун бутун ерли зиёлиларни бир ташкилот байроги остига тўплаш каби хаёллар ила доим бош котирардим, факат 24—25-нчи йиллардан бошлаб маним фикримда ўзгариш пайдо бўлди. Хали ерли халкнинг маданий даражаси бутун идора ишларини ерли тилда юргиза олатургон бир даражага етмаганлигига каноат хосил килдим. Хар кандай бир махфий ташкилот бўлмасин, сиёсий идорадан кутилолмаслигига кўзим етди, ҳам ман ўйлагон ишларни ҳукуматнинг ўзи ишлаб, яхширок бажаришлигига иймон келтирдим. Шунинг учун 24—25-нчи йилдан бошлаб ўзимни эски ташкилотдан тортиб олиш ила баробар, бошқаларни ҳам шундан кайтариш фикрига тушгон эдим. Лазиз ва Салимхонларга шул фикрлар ва шул йўлда муомала кила бошлагон бўлсам ҳам, Наманган масаласига келганда «запискам»да ёзилгон бўш хаёллар мани йўлдан адаштирди. Картайган холимда бу кунги фалокатга мани дучор этди. Энди ихтиёрим сизнинг кўлингизда, ўлдирсангиз, мана бошим, агарда ўз химоячангизга олиб ишлатаман, десангиз, колгон умримни фирканинг ва шўроларнинг сиёсат манфаатигагина сарф этиб, эски гунохларимни ўз кўлим билан тозаламокка тайёрман.

Мани хаётимга келганда, энг камбагал бир оиладан бўлиб, бутун умримни халк манфаати ва халк фойдасига сарф этган бир жамоат ходимиман, умримда пулга, молга, амалга кизикмадим. Билиб туриб, бир хаёлот ва жиноят килиб айбланган эмасман. Энг факирона бир турмушка каноат килдим. Бисотимда биргина ховлим бўлса, унинг ҳам оиламдан зиёдасини халк фойдасига, маорифга хадя килдим. Унда хозир «Биринчи май» мактаби давом этадир. 20-йил ўрталарига қадар Туркистоннинг биринчи

инки-лобчиларидан саналардим. 20-нчи йидда «рискуловшина»лар группасига кириб, аксилинкилобчилик боткогига ботдим. Бунинг тафсилини кейинги «заявлениям»да ёзаман. Ул чокларда ман билан бирга ишлаганларнинг баъзилари чиндан ва баъзилари пул ва амал тамаъида мунофиклик сотиб, исмларини ул боткокдан тортиб олдилар. Ман бўлсам, ул вақтларда фирканинг баъзи сиёсатига кўшила олмадим. Мунофиклик килишга виждоним кабул этмади. Шунинг учун аксилинкилобчилик боткогидан жисмимни тортиб олгон бўлсам, исмимни тортиб ололгоним йўк. Агарда ёрдам килар эканман, шўроларнинг дохилий ва хорижий сиёсатига хизмат килиб, исмимни хам ул боткокдан тортиб оларман, умидидаман.

*1930 йил, 13 май*